

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОСТАНОВ ШУХРАТ ШАРИФОВИЧ**

**АРТ-ТЕРАПИЯ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБА-ЁШЛАР  
КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Table of contents of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in  
Psychological Sciences**

**Останов Шухрат Шарифович**

Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини  
ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари..... 3

**Останов Шухрат Шарифович**

Психологические особенности развития креативности студентов посредством  
арт-терапии .....

**Ostanov Shuxrat Sharifovich**

Psychological feature of the development of students' creativity through art  
therapy.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОСТАНОВ ШУХРАТ ШАРИФОВИЧ**

**АРТ-ТЕРАПИЯ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБА-ЎШЛАР  
КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ўш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/P226 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.psi-ik.uz](http://www.psi-ik.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Собирова Дилафрўз Абдурузиқовна**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Максадова Меҳринисо Сайхоновна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Қодиров Умарали Дўстқобилович**  
психология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “24” ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “11” ноябрь куни таркатилди.  
(2022 йил “11” ноябрь даги 1/1231 рақамли реестр баённомаси).



**О.Х.Хамидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**А.М.Назаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р.А.Абдурашулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим тизимининг асосий мақсади талабаларга янги муҳит талаблари асосида билим бериш, ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, талаба-ёшларнинг, янги ғоялар ярата оладиган ва ҳар қандай вазият, жараён ёки фаолиятдаги муаммонинг ечимини топа оладиган ижодкорлик хусусиятига эга шахсни ривожлантиришдан иборат. Австралиянинг Мелбурн университетидаги илмий-амалий тадқиқотларда шахс креативлиги, унинг эмоционал ҳолати, интеллекти ва уларнинг жамият билан алоқаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, PISA, SCAMPER, STEAM, PIRLS каби халқаро дастурлар барча давлатлар таълим тизимида ўқувчиларни креативлик хусусиятини ривожланганлик даражалари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда. Шу боисдан талабаларнинг креативлик хусусиятларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Жаҳонда жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал имкониятлари билан белгиланади. Чунки, илмий салоҳияти юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади. Давлатларнинг тарихий ривожланишида ёшларга бўлган эътибор муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда замонавий Давлат таълим стандартларида талабаларни креатив, танқидий фикрлайдиган, таълим жараёнидаги юзага келадиган муаммоларга аниқ ечим топа оладиган қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, бугунги кунда илм-фан ва технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши шароитида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан, олий таълимнинг самарадорлик, натижадорлик ва сифатини таъминлашда таълим олувчиларнинг креативлик, мантиқийлик, мазмундорлик, ижодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикамиз сўнги йилларида таълим тизимида юз бераётган жадал ўзгаришлар сабабли янги қоидаларнинг, янгича тизимнинг пайдо бўлиши замонавий дунёда ижодкор шахснинг ривожланишига улкан талаблар қўяди. Ижодкор шахс ўз тараққиётининг барча босқичларида жамият томонидан тан олинади ва маълум ижтимоий мавқега эга бўлади. Психологик тадқиқотларда шахсдаги ижодкорликни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш муваффақиятини белгиловчи хусусиятлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда шахслараро муносабатларнинг тобора жадаллашуви, талаба ва ўқитувчилар алмашинуви, олий таълим муассасалар ҳамкорлиги, халқаро конференциялар, туризм соҳасининг ривожланиши бўлажак мутахассисдан креативлик хусусиятларини талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 июлдаги ПФ-5106-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-

5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси» дастурлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимларидан Б.Р.Адизов, Ш.Р.Баротов, А.М.Жабборов, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова, Ш.Ш.Олимов, М.И.Салахутдинова, Н.С.Сафоев, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, қабилар шахсдаги креативликнинг намоён бўлиши бўйича муайян даражада тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ талабалар креативлигини айнан арт-терапия воситалари орқали ривожлантириш масалалари батафсил ўрганилмаган. Ваҳоланки, мазкур муаммо мамлакат ижтимоий-иқтисодий истиқболини белгилашда салмоқли илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлини (МДҲ) олимларидан Л.М.Азариянц, Д.Б.Богоявленская, Л.И.Божович, Л.С.Выготский, Р.М.Грановская, В.Н.Дружинин, Л.Б.Ермолаева-Томина, В.Н.Козленко, Н.С.Лейтес, А.Н.Леонтьев, А.М.Матюшкин, А.А.Мелик-Пашаев, Б.М.Неменский, С.О.Раевский, А.З.Рахимов, Н.П.Сакулина, В.И.Слободчиков, Н.М.Сокольников, Е.Л.Солдатова, Д.И.Фельдштейн, Е.А.Флерина, Д.Б.Элькониновлар тадқиқотлари ҳам мазкур муаммони ўрганишга бағишланган.

Хорижда креативликни ижодий жараён сифатида ўрганиш А.Адлер, З.Фрейд, К.Юнг, шахс креативлигининг ривожланишида қобилиятнинг ўрни борасида С.Бёрт, Дж.Гилфор, К.Симпсон, П.Торренс, Э.Фромм иждоқорлик жараёнини «ўзини-ўзи фаоллаштириш» сифатида К.Гольдштейн, А.Маслоу К.Роджерс, Н.Роджерс, қаби олимлар илмий изланишлар олиб борган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал ва ПЗ-202005236 «Оила психологияси фанидан мультимедиа маҳсулотини яратиш» (2021) номли инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларда арт-терапия воситалари орқали креативлик хусусиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

арт-терапевтик усуллар таъсирида талабаларнинг креативлик хусусиятларини ёшга оид дифференциал фарқларини ўрганиш;

талабаларда креативлик хусусиятларини ривожланишини даражавий омилларини аниқлаштириш;

талаба-ёшларда дивергент тафаккурни намоён бўлишига таъсир қилувчи креативлик хусусиятларни таҳлил қилиш;

талаба-ёшларда намоён бўлувчи креативлик сифатларига боғлиқ бўлган мезонлар интеграциясини аниқлаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантиришнинг психологик жараёни сифатида Бухоро, Қарши давлат университетлари ҳамда Навоий педагогика институти психология таълим йўналишида таҳсил олаётган 360 нафар талаба-ёшлар жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатув, анкета ҳамда «Талабалар креативлик хусусият даражаларини тадқиқ қилиш» психологик сўровномаси(ИПС), Ф.Вильямснинг «Иждокорлик тести», Р.Амтхауэрнинг «Интеллект тузилиши тести», Ж.К.Брунер «Фикрлаш ва иждокорлик тести» ҳамда математик-статистик методларидан (факторли таҳлили, Стюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг  $r_p$ -корреляция коэффициентини ҳисоблаш)дан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

арт-терапевтик усуллар таъсирида талабалар креативлигини шаклланиши фикрлашнинг равонлиги, тасаввур даражаси, қизиқувчанлик хусусиятларини праксис ҳисларга устуворлик бериш асосида ривожланганлигига кўра ёшга оид дифференциал фарқларга боғлиқ эканлиги исботланган;

талабаларда креативлик хусусиятларини даражавий ифодаланиши рамзий ва мажозий фикрлашнинг конвергент тафаккур таъсирида семантик қобилиятга интегратив ривожланиши туфайли когнитив-интеллектуал компетентликни шакллантирувчи муҳим индивидуал омил эканлиги далилланган;

талаба-ёшларда дивергент тафаккурни намоён бўлишига индивидуал-рефлексив омилларнинг бевосита таъсири ностандарт вазиятда ечим топиш қобилиятига ҳиссий сезгирликни сингдириш орқали ижобий ўзгариши туфайли семантик ва спонтон мослашувчанликни ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги асосланган;

талаба-ёшларнинг фикрлаш жараёнига креативлик омилларини таъсири натижасида индивидуал-креатив хусусиятлардан тавакалчиликка мойилик, қизиқувчанликнинг проектив тафаккурга интеграциясини арт техникалар орқали таъминланиши туфайли иждодий тасаввурларни дифференциал ривожланиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Талаба-ёшларда креативликни тадқиқ қилиш ва ривожлантириш» модели яратилган ва самарадорлиги баҳоланган;

талаба-ёшларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган амалий тавсиялар тақдим этилган;

талаба-ёшларда креативликни ривожлантиришга доир тренинглар мажмуи ишлаб чиқилган;

креативликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, респодентлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган назарий таҳлил, психологик тест, кузатиш, креативликни баҳоловчи сўровнома ва статистик усуллар асосида креативликни ривожлантиришнинг психологик омиллари ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантиришнинг психологик тадқиқ қилиш моделини ишлаб чиқилганлиги, ўрганилаётган муаммони илмий жиҳатдан очиқ бериш ва бакалавр ҳамда магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг малака талабларини ишлаб чиқишда, Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш бўйича дастурлар яратишда, педагогларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида қўллаш мумкин бўлишининг назарий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти талаба-ёшларнинг ўқув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи креативликни ривожлантириш бўйича тайёрланган самарали тренинг дастурини қўллаш имконияти билан белгиланиб, диссертация иши натижаларидан талаба-ёшларни ўқитишда, умумий психология, психологик хизмат асослари, касб психологияси ва ижтимоий психология фанлари бўйича ўқув дастури, қўлланмалар яратишда, маъруза ҳамда амалий машғулотлар тайёрлаш жараёнида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш бўйича эришилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

арт-терапевтик усуллар таъсирида талабалар креативлигини шаклланиши фикрлашнинг раволиги, тасаввур даражаси, қизиқувчанлик хусусиятларини праксис ҳисларга устуворлик бериш асосида ривожланганлигига кўра ёшга оид дифференциал фарқларга боғлиқ эканлиги исботланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети



қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 18-августдаги ПМ 67-а-сонли буйруғига биноан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги ПМ 67-а-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий хулосаларнинг ўқув жараёнига жорий қилиниши натижасида талабалардаги креативлик мезонларини такомиллаштирилган;

талабаларда креативлик хусусиятларини даражавий ифодаланиши рамзий ва мажозий фикрлашнинг конвергент тафаккур таъсирида семантик қобилиятга интегратив ривожланиши туфайли когнитив-интеллектуал компетентликни шакллантирувчи муҳим индивидуал омил эканлиги далилланганлигига оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғига асосан 5210203 – Психология (амалий психологияси) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган «Умумий психодиагностика» номли ўқув қўлланмаси мавзулари мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғи). Натижада талаба-ёшларда креативлик мезонларини ривожлантириш орқали улардаги ижодий вазифаларни бажариш, муқобил ечимларни излаш каби сифатлари такомиллаштирилган;

талаба-ёшларда дивергент тафаккурни намоён бўлишига индивидуал-рефлексив омилларнинг бевосита таъсири ностандарт вазиятда ечим топиш қобилиятига ҳиссий сезгирликни сингдириш орқали ижобий ўзгариши туфайли семантик ва спонтон мослашувчанликни ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги асосланганлигига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғига асосан 5210203 – Психология (амалий психологияси) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган «Умумий психодиагностика» номли ўқув қўлланмаси мавзулари мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғи). Натижада арт-терапия методлари орқали талаба-ёшлардаги креативлик мезонларини ривожлантиришга оид илмий-методик таъминотини бойитишга эришилган;

талаба-ёшларнинг фикрлаш жараёнига креативлик омилларини таъсири талаба-ёшларнинг фикрлаш жараёнига креативлик омилларини таъсири натижасида индивидуал-креатив хусусиятлардан тавақалчиликка мойилик, қизиқувчанликнинг проектив тафаккурга интеграциясини арт техникалар орқали таъминланиши туфайли ижодий тасаввурларни дифференциал ривожланишини далиллашга доир тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 18-августдаги ПМ 67-а-сонли буйруғига биноан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги ПМ 67-а-сонли маълумотномаси). Натижада ўқув жараёни давомида талаба-

ёшлар мослашувчанлиги, ўзига ҳослиги, фикрлашнинг раволиги каби қобилиятларини ривожлантириш самарадорлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммони ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Психологияда креативлик масаласининг назарий таҳлили**» деб номланган биринчи бобида креативлик феномени, талабалардаги креативлик муаммосининг тадқиқ этилиши ва унинг биологик, когнитив компонентларининг намоён бўлиши, унинг вазифалари, механизмлари, хориж ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилишининг таҳлилий шарҳи келтирилган. Креативликка дахлдор муаммоларни ўрганишга доир манбаларни таҳлил қилиш, ушбу ҳодисанинг назарий ва амалий жиҳатларини очиқ беришга хизмат қилади.

Шу боисдан мазкур бобда креативлик муаммоси бўйича хориж олимлари ҳамда мамлакатимиз психологларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган, креативлик феноменига муаллифлик таърифлари ҳамда талабалардаги креативлик хусусиятларни ривожлантиришнинг психологик механизмларига илмий изоҳлар берилган.

Шунингдек, шарқ мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний, Форобий, Ибн Сино, Абу Бакр Розий, Алишер Навоий, Умар Хайём, Кайковус, Жалолиддин Румий каби мутаффакирлар асарларида инсонларнинг ўзлигини англаши, ижодкорлиги, тафаккур даражаси ва ушбу омилларнинг шахс таррақиётида муҳим ўрин тутиши ўрганилган.

Креативлик сифатларини тадқиқ қилиш муаммоси хориж олимларидан П.Торренс, В.Лоуэнфельд, З.Фрейд, А.Адлер, А.Н.Лука, Ж.Гилфорд, М.Вертгеймер, К.Коффка, К.Дункер, Д. Векслер, Р. Вайсберг, Г. Айзенк, Л. Термен, В.Келлер, К.Коффка, Н.Майер, Л.Секей, Ф.Вильямс, Р.Стернберг,

Д.Фелдман, Ж.Моран, Р.Милграм, Ж.Соерс, В.Фу, Р.Кеттел, А.Маслоу каби таниқли олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Рус олимларидан Л.С.Выготский, В.А.Бухвалов, А.И.Савенков, А.М.Матюшкин, С.Л.Рубинштейн, Д.Б.Богоявленская, Я.А.Пономарев, Н.С.Лейцнин, З.И.Калмокова, В.Н.Дружинин, Э.Л. Яковлева, Н.Г.Маркова, Н.В.Хазратова, В.Т.Кудрявцева, И.П.Антонов, Э.С.Ермакова, В.К.Козленко, Я.А.Пономарёв, В.А.Петровский, В.И.Андреев каби олимлар креативлик сифатлари, компонентлари, талабаларда ривожланиши ҳақида ўз илмий тадқиқотларида тўхталиб ўтишган.

Ўзбек олимлари ҳам креативлик муаммоси бўйича бир канча тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан педагог олимлардан М.Қуроно, А.А.Абдуқодиров, О.Мусурмонова, Д.И.Рўзиева, Б.Р.Адилов, Ш.Ш.Олимов, Б.Ходжаев, Ш.О.Тошпўлатова, Г.Н.Ибрагимова, Н.Н.Нарзиева, О.Қ.Мусаев, Д.Б.Якубжановаларнинг тадқиқотларида креативлик ва ижодий қобилиятларни шакллантиришнинг педагогик омиллари, янги дидактик, интерактив таъсирчан технологиялар асосида талабаларда креатив тафаккурни ривожлантириш каби масалаларни ўрганган бўлсалар, психолог олимлардан Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, Ш.Р.Баратов, Б.Р.Қодиров, В.М.Каримова, Р.И.Суннатов, Н.С.Сафаев, А.М.Жабборов, З.Т.Нишанова, Ш.Х.Абдуллаева, Э.З.Усмонова, А.И.Расулов, Д.А.Собирова, Р.Н.Мелибаева, З.А.Абдурахмонова, М.М.Джолымбетова каби тадқиқотчилар асарларида ижодий қобилият ва тафаккурнинг креатив, мазмундор сифатлари тўғрисидаги тадқиқотларни кузатиш мумкин.

Креативлик муаммоси бўйича олиб борилган назарий ёндашувларни қисқача таснифи ва мазмунини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

## 1-жадвал

### Креативлик категорияси бўйича ёндашувлар

Креативлик хусусиятини тадқиқ қилган чет эл тадқиқотчилари	Креативлик хусусиятлари ҳақидаги ёндашувлар
<b>Креативликни ўзига хос сифатларини аниқлаштиришга қаратилган ёндашувлар</b>	
И.Кант, И.Фихте, Ф.Шеллинг, Г.Гегел	Креативлик бу – инсоннинг воқеликка назарий муносабати пойдевори унинг ривожланган креатив (маҳсулдор) тасаввур қобилиятидир.
Л.Виготский	Креативлик деганда, шахсларнинг ўзига хос қадриятларни яратиш ва инновацион қарорлар қабул қилиш қобилиятини чуқур англаш қобилияти тушунилади.
Амабиле, Баррон, Лубарт, Мак Киннон, Очсе, Стернберг, Лубарт	Креативлик – фаолиятга ижодий ёндашиш ва янгилик яратиш қобилиятидир.
Стернберг, Кауфман, Претз	Креативлик – оригинал ва қутилмаган бўлиши лозим.

А.Маслоу	Креативлик – барчага хос туғма ижодий йўналиш, атроф-муҳитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият
П.Торренс	Креатив фикрлаш - бу шахснинг камчиликлар, нуқсонлар, етишмаётган элементлар, билимлардаги бўшлиқлар ва номувофиқликларни идрок этиш қобилиятидир.
Ж.Гилдфорд	Креативлик бу – фикр равонлиги, фикрнинг мослашувчанлиги, ўзига хослик, қизиқувчанлик, гипотезани ишлаб чиқиш қобилияти ва қониқиш қобилиятидир.
Г.Алтшуллер	Креативлик – инсон ҳаётининг нормасидир.
Э.Яковлева	Креативлик – юқори даражасида фикрлаш жараёни.
Д.Векслер, Р.Вайсберг, Г.Эйзенк, Л.Гермен	Ақл қанчалик юқори бўлса, креативлик шунчалик юқори бўлади.
Д.Фелдман, Х.Гарднер	Креативлик – мазмунли ва янги нарсага эришиш
Д.Богоявленская	Креативликнинг асосий кўрсаткичи когнитив ва мотивацион компонентлар билан ифодаланган интеллектуал фаолиятдир.
С.Рубинштейн	Креативлик тафаккурнинг креатив моҳияти, муаммони янги нуқтаи назардан кўриш, аллақачон маълум бўлган билимлар билан ўзаро боғлиқлик қобилиятининг намоён бўлишидир.
Я.Пономарев	Креативликда асосан интуитивлик марказий бўғин саналади.
Н.Лейцнин	Креатив, интеллектуал ва шахсий ривожланишнинг ажралмас.
З.Калмокова	Креативлик фикрлашнинг чуқурлиги, фикрлашнинг мослашувчанлиги, ақлий фаолиятнинг барқарорлиги, ақлий фаолиятни англаш, фикрлашнинг мустақиллиги, ёрдамга сезгирлик каби хусусиятлар ҳисобланади.
С.Герберт	Креатив муаммоларни ҳал қилиш жараёни бошқа жараёнларнинг: фикрлаш ва хотиранинг ўзаро таъсиридир.
<b>Креативликда мустақилликни инкор этадиган ёндашувлар</b>	
Н. Хомский	Инсон тилининг туғма тузилмалари
Дж. Фодор	Туғма тузилмалар
С. Герберт	Фикрлаш, хотира ва бошқа жараёнларнинг ўзаро таъсири.
<b>Креативликни мустақил жараён сифатида қарайдиган ёндашувлар</b>	
Ф.Баррон	тасаввур, рамзий маънога эга бўлиш
С. Медник	стереотипик ассоциациялардан ташқарига чиқиш, кенг семантик майдон билан ишлаш қобилияти.

Юқоридагилардан кўринадики, креативлик – ижодий ёндашиш ва янгилик яратиш, оригинал ва кутилмаган фаолият, фикр равонлиги,


фикрнинг мослашувчанлиги, ўзига хослик, қизиқувчанлик, гипотезани ишлаб чиқиш ва қониқиш қобилиятидир.

Диссертациянинг «Талабаларда креативлик хусусиятларини ўрганишнинг амалий асослари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, тадқиқотда қўлланилган методларнинг умумий тавсифи, ўтказиш тартиби ўз аксини топган. Шунингдек, талабаларда креативлик муаммосининг долзарблиги, креативликнинг психологик омилларини аниқлаш, коррекция қилиш ҳамда креативлик хусусиятларини когнитив интеллектуал ва индивидуал омилларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган.

**2-жадвал**

**«Вилямс ижодкорлиги» тести бўйича назорат гуруҳидан олинган дастлабки натижалар таҳлили**

Омиллар	1-2 курслар n=90	%	3-4 курслар n=90	%
<b>Равонлик</b>	19	21,1	20	22,2
<b>Мослашувчанлик</b>	22	24,4	29	32,2
<b>Ўзига хослик</b>	29	32,2	23	25,6
<b>Яратувчанлик</b>	20	22,2	18	20,0
<b>Жами:</b>	90	100	90	100



**1-расм. «Вилямс ижодкорлиги» тести бўйича назорат гуруҳидан олинган дастлабки натижаларнинг диаграмма кўриниши**

Энди бевосита Виямс ижодкорлиги тести бўйича назорат гуруҳидан олинган дастлабки натижалар таҳлиliga эътиборимизни қаратамиз. 1-2 курс талабаларидаги (n=90) «равонлик» қобилияти бўйича дастлабки (тажрибагача) бўлган даврда умумий ўртача 21,1 % ни ташкил этган бўлса, 3-4 курс талабаларида (n=90) 22,2 % ни ташкил этди. 1-2 курс талабаларидаги (n=90) «ўзига хослик» қобилияти бўйича ўртача қиймат 32,2 % ни ташкил этган бўлса, 3-4 курс талабаларида (n=90) 25,6 % ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики талабаларда фаолият самарадорлигини таъминлашдан қатъий назар, уларда фикрлаш қобилиятининг равонлигида бир қанча тўсиқларга дуч келишларини кўришимиз мумкин. Бу эса уларнинг самарали фаолият юритиши давомида бир қатор қийинчилик юзага сабаб бўлади.

Шунингдек, талабаларда ўзига хослик қобилиятининг етарлича шаклланганлиги маълумотларни анализ ва синтез қилиш, бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида креативликнинг ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

### 3-жадвал

#### «Виямс ижодкорлиги» тести бўйича тажриба гуруҳидан олинган дастлабки натижалар таҳлили

Омиллар	1-2 курслар n=90	%	3-4 курслар n=90	%
<b>Равонлик</b>	20	22,2	19	21,1
<b>Мослашувчанлик</b>	24	26,7	28	31,1
<b>Ўзига хослик</b>	27	30,0	24	26,7
<b>Яратувчанлик</b>	19	21,1	19	21,1
<b>Жами:</b>	90	100	90	100

#### 2-расм. «Виямс ижодкорлиги» тести бўйича тажриба гуруҳидан олинган дастлабки натижаларнинг диаграмма кўриниши


Виямс ижодкорлиги тести бўйича тажриба гуруҳларидан гуруҳидан олинган дастлабки натижалар эса бироз бошқача кўринишни акс этди. 1-2 курс талабаларидаги (n=90) «мослашувчанлик» қобилияти бўйича дастлабки (тажрибагача) бўлган даврда умумий ўртача қиймат 22,2 % ни ташкил этган бўлса, 3-4 курс талабаларида (n=90) 21,1 % ни ташкил этди. 1-2 курс талабаларидаги (n=90) «яратувчанлик» қобилияти бўйича ўртача қиймат 21,1% ни ташкил этган бўлса, 3-4 курс талабаларида (n=90) ҳам 21,1 % ни ташкил этди. Демак, юқоридаги эмпирик таҳлиллардан кўриниб турибдики, талабаларда мослашувчанлик қобилиятининг ривожланганлиги уларни бир фаолиятдан иккинчисига осонгина ўтишларини таъминлайди. Бу эса креативликни ривожлантириш учун муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, талабаларда яратувчанлик омилининг етарлича ривожланмаганлиги,

уларнинг фаолиятларида бир қанча психологик тўсиқларни келтириб чиқаради ва муаммоларнинг ечимини ноадекват идрок қилишга олиб келади.

#### 4-жадвал

#### «Талабалар креативлик хусусият даражаларини тадқиқ қилиш» психологик сўровномаси

Омиллар	1-2 курслар n=180	%	3-4 курслар n=180	%
дивергент фикрлаш	24	13,3	26	14,4
конвергент фикрлаш	36	20,0	36	20,0
ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти	38	21,1	36	20,0
семантик спонтан мослашувчанлик	22	12,2	24	13,3
креативлик когнитив	32	17,8	32	17,8
оригинал ечимларга эришиш қобилияти	28	15,6	26	14,4
<b>Жами:</b>	180	100	180	100



Тадқиқотимизнинг навбатдаги методикаси бу илмий раҳбаримиз билан биргаликда ишлаб чиқилган «Талабалар креативлик хусусият даражаларини тадқиқ қилиш» психологик сўровномаси бўлиб, ушбу методика орқали олинган дастлабки натижалар таҳлил қилинди. Дастлаб назорат гуруҳидаги респондентлардан олинган кўрсаткичларни таҳлилин келтираимиз.

Мазкур сўровнома бўйича 1-2 курс талабаларидан олинган натижаларга кўра энг юқори натижалар «конвергент фикрлаш» (21,1%), «ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти» (20,0%), «когнитив креативлик» (18,9%) бўлса, 3-4 курс талабаларида эса «ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти» (20,0 %) ва конвергент фикрлаш (20,0%) бир хил қийматни кўрсатди. 1-2 курс талабаларидаги «конвергент фикрлаш» қобилияти бўйича тажрибагача бўлган даврда энг қуйи умумий ўртача қиймат 13,3 % ни ташкил этган бўлса, 3-4 курс талабаларида ҳам 13,3 % ни ташкил этди.

Демак, юқоридаги статистик таҳлиллардан кўриниб турибдики, 1-2 курс талабаларида ғояларни яратиш, фикрларнинг ранг-баранглиги фикрлар уйғунлиги, мантиқий ижодий фикрлаш каби хусусиятлар етакчилик қилса, 3-4 курс талабаларида эса мақсадга мувофиқ келадиган адекват ечимни танлаш, муаммоларни ҳал қилишнинг янги стратегияларини тез ва осон топиш қобилияти устунлик қилар экан. Талабаларда «оригинал ечимларга эришиш» қобилиятини етарлича шаклланмаганлиги эса, уларнинг фаолият самарадорлигига салбий таъсир қилиб, шахсий камолотининг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқоридаги эмпирик таҳлиллардан хулоса қиладиган бўлсак, креативлик муаммосини махсус ўрганишга бағишланган методикалар, тестлар ва кўшимча математик-статистик методлар мажмуасининг қўлланилиши тадқиқотнинг амалий-тадқиқий жиҳатдан кенгроқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконини яратди.

Диссертациянинг **«Талабаларда креативлик хусусиятларини ривожлантиришнинг эмпирик асослари»** деб номланган учинчи боби муаммонинг эмпирик таҳлиliga бағишланган бўлиб, ушбу бобда олинган натижаларнинг таҳлили, тадқиқот методлари орасидаги корреляцион боғланишлар, креативлик сифатлари ривожланишига йўналтирилган психологик тренинглари дастури, унинг самарадорлигини таъминлайдиган механизмлар ҳамда тажрибадан олдинги ва кейинги статистик натижалар таҳлили келтирилган.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда креативлик сифатларни ривожлантириш мақсадида биз томонимиздан ишлаб чиқилган психологик тренинглари Бухоро, Қарши давлат университетлари ҳамда Навоий педагогика институти психология таълим йўналишида таҳсил олаётган 360 нафар талабалар иштирокида ўтказилди. Биз уларни 2 гуруҳга яъни, тажриба ва назорат гуруҳларига бўлиб ўргандик. Тажриба гуруҳида 180 нафар, назорат гуруҳида эса, 180 нафар талаба танлаб олинди. Психологик тренинг дастури муайян даражадаги психологик тамойилларга асосланган психокоррекция машғулотлари, индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар асосида олиб борилди ва қуйидагича эмирик натижалар қайд қилинди.

Тадқиқот давомида талабаларда креативлик хусусиятларини ривожлантирувчи психологик тренинг дастури ишлаб чиқилди (5-жадвал).

Талабаларда креативлик хусусиятларини ривожлантирувчи хусусиятга мўлжалланган психологик тренинг дастури беш босқичдан иборат бўлиб, 12



та психологик-тренинг ҳар ҳафтада 2 тадан тренинг машғулотлари, жами 24 ҳафта давомида ташкил этилди.

**5-жадвал**


	<b>Тренинг номи</b>	<b>Тренинг методологияси</b>
1	<b>Креативлик сифатларини ривожлантирувчи тренинглари</b>	Ўзини ўзи англашнинг етакчилик ролини «Мен-Сен», «Биз-Сиз», «Биз-Улар», «Мен-Улар», «Мен-У», «Мен-Мен» тизимида кўриш ўз хулқ-атворини англашнинг асоси ҳисобланади. Гуруҳий динамиклик ўсишининг турли босқичларида индивидуал ўзгаришларнинг етакчи кўрсаткичларини ажратиш мумкин. <b>О.В.Немиринский</b>
2	<b>Ижодий тасаввурни ривожлантирувчи тренинглари</b>	Хулқни ўзгартиришнинг конструктив моделига асосланган коррекцион маълумотлар тизимини қўллаш орқали бартараф этилади. <b>Л.М.Митина</b>
3	<b>Ижодий тафаккурни ривожлантирувчи тренинглари</b>	«Аватар» тренингда «Бирдамлик», «Шу ерда ва hozir», воқеаларнинг «Мен» томонидан айтилиши, «Бизнинг фикримизча», «Мен шундай деб ўйлайман» каби жумлаларни қўллаш асосида самимий мулоқот жараёнидаги салбий эмоционал ҳолатлар бартараф этилади. <b>Л.А.Петровская</b>
4	<b>Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш соҳасини ривожлантирувчи тренинглари</b>	Ушбу тренингда ўзини-ўзи адекват назорат қилиш учун тегишли малакалар шакллантирилади. <b>К.Рудестам ва М.Вачков</b>
5	<b>Ижодий қобилиятларни ривожлантирувчи тренинглари</b>	Гуруҳий қарорлар қабул қилиш тренинг асосида умумий ва махсус билимларни ҳамда касбий қобилиятларни шакллантирувчи психотерапевтик усуллардан унумли фойдаланилади. <b>А.Г.Грецов</b>

Психологик тренинг дастури муайян даражадаги педагогик-психологик тамойилларга асосланган бўлиб, психокоррекция машғулотлар, индивидуал ва гуруҳий тарзда олиб борилди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган психологик тренинг мазмуни ва босқичлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

**6-жадвал**

**Креативлик сифатларини аниқлаш бўйича ижтимоий психологик сўровнома орқали тажриба гуруҳидаги респондентлардан олинган натижаларнинг қийсий-статистик кўриниши (n=180)**

№	Мезонлар	Экс.олдин		Экс.кейин		t	P
		М	σ	М	σ		
1.	Дивергент фикрлаш	29,01	1,45	34,64	1,10	-5,31	0,01
2.	Конвергент фикрлаш	25,45	1,40	29,54	1,28	-4,62	0,04
3.	Ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти	24,16	1,05	27,04	1,44	-3,63	0,05
4.	Семантик спонтан мослашувчанлик	23,75	1,37	29,14	1,04	-6,98	0,00
5.	Когнитив креативлик	19,41	1,14	23,03	1,78	0,95	0,04
6.	Оригинал ечимларга эришиш қобилияти	18,74	1,24	24,63	1,07	-6,24	0,00



**4-расм. Креативлик сифатларини аниқлаш бўйича ижтимоий психологик сўровнома орқали тажриба гуруҳидаги респондентлардан олинган натижаларнинг диаграмма кўриниши (n=180)**

Биз тадқиқот жавомида тажриба гуруҳидаги талаба-ёшлардан дастлаб креативлик сифатларини қай даражада эканлигини билиш учун улардаги мазкур сифатларни ривожланганлик даражасини аниқлаб, унинг психотренинг дастуригача ва ундан кейинги ҳолатига кўра олинган натижаларнинг ўртача миқдорий натижаларини таққосладик.

Тадқиқот учун танланган талабаларга муайян даражада психокоррекция ва психотренинг усуллар қўлланилганида, тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган эмпирик натижаларни SPSS.22 дастури асосида қайта ишланган қиёсий таҳлили ўтказилгандан сўнг, талабалардаги креативлик сифатлари маълум миқдорда ривожланганлиги кузатилди.

Психологик сўровномаининг «дивергент фикрлаш (ғояларни яратиш қобилияти)», «семантик спонтан мослашувчанлик – махсус вазиятда турли хил ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти», «оригинал ечимларга эришиш қобилияти», «дивергент фикрлаш (ғояларни яратиш қобилияти)», «семантик спонтан мослашувчанлик - махсус вазиятда турли хил ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти» мезонларида юқори даражадаги статистик фарқлар кузатилди. Бунда «дивергент фикрлаш» мезони бўйича (29,01 ва 34,64) самарадорлик 5,63 фоизни қайд этди.

Бундан кўринадики, уларда янги ғояларни яратиш қобилияти каби креативлик сифатлари тренинг дастурларидан кейин анча ўсганлигини кузатишимиз мумкин. «Семантик спонтан мослашувчанлик – махсус вазиятда турли хил ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти» мезонида ҳам (23,75 ва 29,14), самарадорлик 5,39 фоизда ўсганлигини кузатилди. Бунда объектнинг асосий хусусиятини аниқлаш ва ундан фойдаланишнинг янги усулини таклиф қилиш қобилияти бир мунча ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Навбатдаги мезон «Оригинал ечимларга эришиш қобилияти» (18,74 ва 24,63) самарадорлик 5,89 фоиз ўзгариш бўлганлигини кўришимиз мумкин (6-жадвалга қаранг). Яъни, талабалар ўзларига берилган топшириқни бажаришда ностандарт ва оптимал ечимлардан фойдаланади. Кейинги мезонлар «Конвергент фикрлаш» (25,45 ва 29,54) «Ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти» (24,16 ва 27,04) ҳамда «Креативлик когнитивлик» (19,41 ва 23,03) ўртача балл эканлиги аниқланди. Олинган эмпирик маълумотларнинг ишончлилиги Студент t-мезони бўйича асосланди. Тадқиқотдан олинган таҳлилларнинг натижаларига асосланиб психологик тренинг дастурининг самарадорлиги таъминланди. Олиб борилган таҳлиллар асосида талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари кўрсаткичларига муаллиф томонидан тақдим этилган диагностик ва психокоррекция психотренинг дастури орқали адекват баҳо бериш мумкинлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

«Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари» мавзудаги тадқиқотнинг назарий ва эмпирик таҳлиллари асосида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Ўтказилган тадқиқотлар «арт-терапия ёрдамида талабаларнинг креативлигини ривожлантириш» ишнинг асосий хулосаларини шакллантиришга имкон берди.

2. Таълим жараёнида арт-терапияни қўллаш талабаларда креативлик кўрсаткичларининг намоён бўлишини яхшилайти: уларни асл ижодий вазифаларни бажаришга фаоллаштиради, креативлик ривожланади, зукколик шаклланади, визуал фаолиятда жўшқинлик намоён бўлади, қизиқиш ошади, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш қобилияти шаклланади, муқобил ечимларни излашга ундайти.

3. Талабаларнинг креативлигини ривожлантириш жараёни арт-терапия воситаларининг педагогик салоҳияти билан белгиланади, мавсумий фанларни ўқитишда маълум шартларни талаб қилар экан (педагогдан ғояларни қўллаб-қувватлаш, ижодий режаларни мустақил амалга ошириш имконияти, танқиднинг йўқлиги, шахсга ва унинг фаолияти натижаларига нисбатан қадриятларни яратиш), шунингдек «равонлик», «мослашувчанлик», «ўзига хослик», «бирлашиш қобилияти» кўрсаткичларини ўзгартиришга хизмат қилиши мумкин.

4. Талабалар учун мавсумий фанларни ўқитишда арт-терапиядан фойдаланган ҳолда креативликни ривожлантиришга қаратилган ривожланиш дастури ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Унинг хусусиятлари ва амалга ошириш учун маълум шартлари мавжуд бўлиб, турли хил воситалар, техникалар, ижодий вазифалардан фойдаланиш; ўз-ўзидан пайдо бўладиган ғояларни рағбатлантириш, талабаларнинг ижодий салоҳиятини фаоллаштириш, ижодий режаларни амалга оширишда ноаниқликни йўқотиш, фаолият самарадорлигини ижобий баҳолаш мумкин.

5. Креативлик – ижодий ёндашиш ва янгилик яратиш, оригинал ва кутилмаган фаолият, фикр равонлиги, фикрнинг мослашувчанлиги, ўзига хослик, қизиқувчанлик, гипотезани ишлаб чиқиш ва қониқиш қобилиятидир.

6. Креативликнинг табиати ҳамда унинг психологик таркибини ўрганиш давомида талаба-ёшларга хос «семантик спонтан мослашувчанлик», «когнитив креативлик», «оригинал ечимларга эришиш қобилияти» каби таянч психологик хусусиятлар аниқланди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги **амалий тавсиялар** таклиф этилади:

1. Талаба-ёшларнинг креативлиги муҳим омил эканлигини назарда тутиб, ушбу жараёни шу соҳага тегишли олий ўқув юртларининг малака талабларига қўшимча киритишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, талабаларни нафақат махсус билим, кўникма ҳамда малакалар

билан қуроллантириш, балки уларнинг психологик тайёргарлигига жиддий эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Махсус психологик тренинглари тўғри ташкил этиш орқали талаба-ёшларнинг креативлигида зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган кўникма ва малакаларни ривожлантириш мумкин. Бу эса ўқув фаоллигини муваффақиятли ва таълим сифатини самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Талаба-ёшларнинг креативлигини ривожлантириш учун тегишли ўқув дастурларига психологик талабларга жавоб бера олувчи ўзгартиришлар киритиш орқали талабалардаги ижодий фаоллик имкониятларини ошириш мумкин.

4. Креативликни шакллантиришда педагог ходимлар ҳар бир талабага имкони борича индивидуал ёндашиши, уларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларига ва уларнинг шахсияти қанчалик қадрланишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

5. Талаба-ёшларнинг креативлиги, унинг намоён этилиши, омиллари, механизмлари ва ривожлантириш усуллари ҳақидаги семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, онлайн мулоқотларни доимий равишда ташкил этиш орқали фаолият самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

6. Талаба-ёшлар ўқув жараёнида дарсларни ўтказишда арт-терапия усулларида восита сифатида фойдаланиш уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга ҳамда улардаги салбий эмоционал ҳолатларни бартараф этишга самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ОСТАНОВ ШУХРАТ ШАРИФОВИЧ**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ  
КРЕАТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ ПОСРЕДСТВОМ АРТ-ТЕРАПИИ**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована за № В2020.4.PhD/P228 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и на Информационном портале «Ziyonet» (<http://ziyonet.uz>)

**Научный руководитель:** Собирова Дилафруз Абдурозиковна  
доктор философии (PhD) по психологическим наукам,  
доцент

**Официальные оппоненты:** Максадова Мехринисо Сайхоновна  
кандидат психологических наук, доцент

Кодиров Умарали Дустқобилович  
доктор психологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «24» ноябрь 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете (Адрес: 200118, Бухара, улица М.Икбол, дом 11. Тел.:(+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 2). (адрес: г.Бухара, ул. Мухаммеда Икбола, 11, Бухарский государственный университет.

Автореферат диссертации разослан «11» ноябрь 2022 года.

(протокол реестра №2 от «11» ноябрь 2022 года.



**О.Х.Хайитов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.э.н. (DSc), профессор

**М.Назаров**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD) по  
психологическим наукам, доцент

**Р.А.Абдурасулов**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор психологических наук  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Главной целью системы образования в мире является предоставление студентам знаний, исходя из требований новой среды, обеспечение их свободной активности во всех сферах общественных отношений, развитие творческих способностей студентов и молодежи, способных создавать новые идеи и находить решения проблем в любой ситуации, процессе или деятельности – это развитие личности. В научно-практических исследованиях Университета Мельбурна (Австралия), особое внимание уделяется вопросам творчества человека, его эмоционального состояния, интеллекта и их взаимосвязи с социумом. В частности, такие международные программы, как PISA, SCAMPER, STEAM, PIRLS проводят свои исследования уровней развития креативности студентов в системе образования всех стран. Поэтому вопрос о психологических аспектах развития творческих способностей студентов остается актуальным.

Процветание общества в мире во многом определяется его интеллектуальными возможностями. Потому что страна с высокоразвитым научным потенциалом всегда будет прогрессивной во всех сферах. В историческом развитии государств важное место занимает внимание к молодежи. В настоящее время в современных государственных образовательных стандартах все большее значение приобретает воспитание у студентов креативного, критического мышления, умения находить конкретные решения возникающих проблем в образовательном процессе. Более того, сегодня в условиях стремительного развития науки и техники особое внимание уделяется уровню креативности, логики, содержательности, развитости творческих способностей обучающихся на всех этапах непрерывного образования, включая обеспечение эффективности, результативности и качества высшего образования.

Появление новых правил, новой системы в связи с интенсивными изменениями, происходящими в системе образования в последние годы нашей республики, предъявляет огромные требования к развитию творческой личности в современном мире. Творческая личность на всех этапах своего развития признается обществом и приобретает определенный социальный статус. Особое место в психологических исследованиях занимают характеристики личности, определяющие успешность решения задач, связанных с развитием творческих способностей. Сегодня все более интенсивное развитие межличностных отношений, обмен студентами и преподавателями, сотрудничество высших учебных заведений, международные конференции, Развитие сферы туризма требуют от будущего специалиста особенностей креативности.

Данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № ПФ-5106 «О повышении эффективности



государственной политики в отношении молодежи и поддержки деятельности Союза молодежи Узбекистана» от 7 июля 2017 года, № ПФ-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года и широкомасштабных стратегических мер, установленных в рамках программы Президента Республики Узбекистан «Пять инициатив, касающихся социальной и духовно-образовательной сфер».

